Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
21 НОЯБРЬ 1970 й
ШАНБА
№ 275 (1343).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КИРОВЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

КПСС XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиб келаётган Киров райони саноат корхоналарининг ишчи коллективлари ажойиб ғалабага эришдилар.

Район механизаторлари саноат маҳсулотлари ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича беш йилликда белгиланган топшириқни муддатидан илгари —19 ноябрда бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

ЙИЛ ОХИРИГАЧА БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНГА ҚЎШИМЧА 21 МИЛЛИОН СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАЖБУРИЯТИ ОЛИНДИ.

Ленинча беш йилликларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 42 процент ортди. 1965 йилдагига нисбатан, ишлаб чиқарувчилар сони 12,7 процент камайган ҳолда, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эришилди.

52 номда эскирган буюмлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Бунинг ўрнига, 239 номда янги машина, асбоб-ускуна ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Район саноатчиларининг бундай ютуқларни қўлга киритишларида беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарган «Юлдуз» тикувчилик, «Шарқ» мебель фирмаси, «Гидрометприбор», экскаватор ремонти, «Промсвязь» заводи, 4-босмахона коллективларининг қўшган ҳиссаси катта бўлди.

Район саноат корхоналарининг меҳнаткашлари съездолди меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ҚУЙБОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп фарзанд кўриб уларни вояга етказган оналарга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғини топшириш билан бирга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин:

Азимова Марғуба — хизматчи.
Эрматова Аширбу — уй бекаси.
Исҳоқова Маҳбуба — уй бекаси.
Қодирова Муқаддас — уй бекаси.
Қосимова Лаззакат — уй бекаси.
Қудратова Ҳожия — уй бекаси.
Маъруфова Анорпошша — уй бекаси.
Мирсоатова Нафиса — уй бекаси.
Ниёзова Қумри — уй бекаси.
Пейчева Лилия Александровна — уй бекаси.
Раҳматуллаева Ойимча — уй бекаси.
Содиқова Жўра — уй бекаси.
Утаулиева Нозик — уй бекаси.
Файзуллаева Жумагул — ишчи.
Ҳайдарова Анорхон — уй бекаси.
Ҳўжаева Рихси — уй бекаси.
Шожалилова Ҳалима — уй бекаси.

ЛУНОХОД ЕР ЙЎЛДОШИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА



«Луноход—1»га ўрнатилган СССР Давлат байроғи.



«Луноход—1»га ўрнатилган В. И. Ленин барельефи.



Бу сурат 17 ноябрь оқшомида «Луноход—1»ўзи юрар автомат аппаратн билан алоқа вақтида олинган. Унда Ой панорамаси ва совет вездеход — автоматиқолдирган биринчи из кўриниб турибди. Автомат қолдирган из юмшоқ ердан ўтган трактор изига ўхшайди. ТАСС фотолари.

ЛУНОХОДНИНГ УЧИНЧИ ИШ КУНИ

ТАСС АХБОРОТИ

20 ноябрда Москва вақти билан соат 00—00 минутда луноход билан навбатдаги алоқа сеанси бошланди. Шу пайтда ўзи юрар аппарат олисдаги космик алоқа маркази радио тўлқини ета оладиган зонада эди. 4 соату 25 минут мобайнида илмий-техника экспериментлари бажарилди ва луноход бир жойдан иккинчи жойга силжиди.

Рентген спектрометри ёрдами билан Ой жинслари сиртқи қатламининг химиявий составн белгиланди. Ой заминининг механик хусусиятлари ва луноходнинг юришини тадқиқ этиш соҳасидаги экспериментлар давом эттирилди. Бунда заминга қўйиш учун мўлжалланган штамп ва шассига кучли таъсир кўрсатадиган ўлчов учун керакли датчиклар системаси бўлган прибордан фойдаланилди.

Галактикадан ташқари бўлган ва Ердаги приборлар билиб ололмайдиган рентген нурланишни рентген телескопи ёрдамида ўлчаш давом эттирилди.

Луноход бортидан ой ландшафтининг янги панорам тасвирлари қабул қилиб олинди. Уша аппарат қолдирган излар, Ой сатҳининг деталлари ва луноход конструкциясининг элементлари суратларда очиқ-равшан кўриниб турибди. Ҳаракат трассасини обзор қилиш ва унга баҳо бериш учун мўлжалланган телевизион камералар, ўнқир-чўнқир жой шароитида бир жойдан иккинчи жойга силжиш учун зарур маълумотларни бериб турди. Айрим участкаларда Ой юзасининг нишаблиги 14 градусга етди. Узи юрар аппарат силжиб борган йўлда анча чуқур кратерга дуч келди. Операторлар аппаратнинг ана шу кратерни муваффақиятли суратда айланиб ўтишини таъминладилар. Сеанс давомида катта ҳажмда телеметрик ахборот олинди. Ўзи юрар аппарат шу вақт ичида 32 метр узунликдаги йўлни босиб ўтди. Луноход бажарган маневрлар натижасида у «Луна-17» автомат станциясининг қўниш босқичидан 125 метр нари силжиди.

Совет «Луноход-1» ўзи юрар автомат аппарати Енгир денгизида тадқиқот ва экспериментлар прбграммасини муваффақиятли бажаришни давом эттирмоқда.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ *муносиб кутиб оламиз!*

1971 йилни қаршилаб

Беш йиллик план бажарилди

◆ 3-АВТОКОМБИНАТ КОЛЛЕКТИВИ БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАНИ ЭГАЛЛАДИ. ◆ 1966 ЙИЛДАН БЕРИ 7 МИЛЛИОН ТОННА ЮК ТАШИЛДИ. ◆ ЙИЛЛИК ПЛАН НОЯБРЬ ОЙИ ОХИРИГАЧА БАЖАРИЛАДИ. ◆ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА.

Бугун

Тошкент шаҳар марказлашган автомобиль юк ташиш трестига қарашли 3-автокомбинат ҳай. довчиларининг беш йиллик бошқадан буён ташиган халқ хўжалиги юклари 7 миллион тоннадан ошиб кетди. Бу — беш йиллик планда кўзда тутилганидан 50 минг тонна кўп демакдир. Коллектив аъзолари 9 ноябрь куни беш йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Бу зафарга барча ички резервлардан оқилона фойдаланилгани туфайли эришилди. Ҳайдовчилар ўртасида белгиланган топшириқни ўз вақтида бажариш ва халқ хўжалик юкларини тез ва сифатли манзилга элтиб бериш юзасидан социалистик мусобақа авж олдирилди. Корхона директори М. Файзлейб шу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

— 1966 йилнинг боши, даноқ коллективимиз беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун мусобақани кулоч ёздирди. Автомобилчилар томонидан автоколонналарни ихтисослаштириш, машиналарни қайта жиҳозлаш, уларни белгиланган юкларини ўз вақтида элтиб беришга мослаштириш юзасидан катта ишлар бажарилди.

Бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланди. Жумладан, биз беш йилликнинг биринчи йилини ўз ҳисобимизда 840 минг сўм жамғарма билан якунлаган бўлсак, 1970 йилда бу нарса икки миллион сўмдан ошиб кетди.

Рационализаторларимиз ҳам бунга катта улуш қўшдилар. Уларнинг қўшган жамғармаси 200 минг сўмга яқинлашади. Г. Сибаев, Л. Цой, А. Ахтемов, Н. Толстихин сингари янгиликчиларнинг таклифлари, айниқса, яхши самара берди.

Коллектив аъзолари планлаштириш ва модий рағбатлантиришнинг янгича системаси самараларини ёркин кўриб турибдилар.

— Эришилган зафаримизда,— дейди комбинат бош экономисти В. Горлова,— иқтисодий исҳоқотнинг тутган ўрни ғоят каттадир. Бизнинг хўжалигимиз Ўзбекистон пойтахтидаги корхоналар ичида биринчилар қаторида 1966 йилнинг бошида янгича системада ишлашга ўтган эди. Биргина ишлаб чиқаришни рационаллаштиришда, социал-маданий тадбирлар ҳамда қурилиш фондлари учун 750 минг сўм маблағ ажратилди. Ана шу маблағлар эвазига ишчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди.

Комбинат бош инженери Ч. Ким коллектив аъзоларининг беш йиллик мобайнида техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш бораснидаги ишлари ҳақида гапирди.

Ҳозир комбинатнинг янги корпуси бунёд этилаяпти. Бош ишлаб чиқариш корпуси 1100 та автомобилга мўлжалланган бўлиб, бу ердаги ремонт ишлари ва ҳаракат составининг техника хизмати ихтисослаштирилади ва механизация воситасида амалга оширилади.

Автокомбинат ишчи-хизматчилари партия-мизнинг XXIV съезди шарафига бошланган вахтани давом эттириб, юбилей йили топшириғини ноябрь ойининг охирига ўзда бажаришга қарор қилдилар.

«Беш йиллик топшириққа қўшимча 235 минг тонна юкни манзилга элтиб берамиз!»— автокомбинат ҳайдовчиларининг шу кунги шиори ана шундай.

НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

◆ МОСКВАЛИКЛАР МУРОЖААТИГА ҚЎШИЛИБ ◆ ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШ ◆ ҲАР БИР НАЗОРАТЧИ КПСС XXIV СЪЕЗДИГА ШАХСИЙ СОВҒА ТАЙЁРЛАЙДИ.

Москва шаҳрининг халқ контроли органлари активлари пойтахтнинг кўп минг кишилик назоратчилар армиясини партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилишга чақирганига бир ойдан сал ошди.

Москваликлар мурожаати бутун мамлакатда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Тошкентдаги халқ контроли группалари ва постларида йиғилишлар бўляпти, назоратчилар москваликлар ташаббусига қўшилиб, КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун конкрет мажбуриятлар олишмоқда.

— Назорат ишларини барча форма ва методлари коммунистик қурилиш, ички имкониятларни ишга солиш тадбирларига қаратилгандир. Ўзбекистон пойтахтининг халқ контролёрлари москвалик назоратчилар сафига қўшилишлари билан ишимизга янги руҳ, янги куч киради, — деди Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Хати бўйича иқтисодий тежамкорлик ишлари қай аҳволда эканлигини кўриб чиқилди. Йиғилганларга бу ҳақда район халқ контроли комитетининг раиси М. А. Нагаев гапириб берди. Назоратчилар сафида уч минг олти юз киши бор. Уларнинг барчаси ишлаб чиқариш резервларини излаб топиш, улардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда тежам режимини кучайтириш йўлида хизмат қилмоқдалар.

Йиғилишда сўзга чиққан трикотаж фирмаси халқ контроли группасининг раиси К. П. Тишчина, «Ташгранспецстрой» трестидан Г. А. Без, 10-ЖЭК дан П. В. Ткаченко ва бошқалар корхона, ташкилотлар назоратчилари номидан янада ективроқ ишлашга ваъда бердилар. Ҳар бир жамоатчи назоратчи КПСС XXIV съездига муносиб совға тайёрлаб, бу ишда ўзининг шахсий ҳиссасини қўшади.

КЕЧА Чилонзор, Ленин, Октябрь районларида ҳам халқ контроли органларининг актив йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда беш юздан ортиқ киши — корхона ва ташкилотлар группа ҳамда постларининг раислари, район комитетларининг штатсиз ходимлари иштирок этди. Улар москваликлар чақиригига қўшилиб, иқтисодий тежамкорлик учун курашда жанговар программа қабул қилдилар.

Кеча

Киров район халқ контроли органлари активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. Ф. Соловьев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Ш. Шамуҳамедов, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Ф. Ахмедов ва бошқалар қатнашдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН» ҚУРИЛИШИДА

Шаҳар марказидаги революция хиёбонида энг улкан бинолардан бири — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қад кўтармоқда.

Бугун

Навоий шаҳридан келган қурувчилар объектнинг ўн учинчи қаватини тиклаяптилар. Қурилишда қудратли кранни бошқараётган Александр Эргаусевнинг механи таҳсинга сазовор. Унинг осмонўпар машинаси бир кўтарганда 50 тоннагача юкни юқори қаватларга чиқариб бермоқда. Қурилиш ишларини пухта олиб боришда А. Шукудов, А. Шухин каби прорабларнинг бунёдкорларга бош-қош бўлмоқдалар.

Навоийлик қурувчилар меҳмонхонани келгуси йили фойдаланишга топшириш ниятидалар.

КИЙИМ ЯРМАРКАСИ

Тошкент модалар уйида кийим-кечаклар ярмаркаси очилди. Ўн-кун ишлайдиган бу ярмаркада келгуси йили аҳолига тақдим этиладиган янги моделли ранг-баранг кийим-кечаклар намойиш қилинади.

Ярмаркада «Юлдуз», «Қизил тонг», «Учқун», трикотаж фирмалари билан бирга тикувчилик фабрикаларининг маҳсулотлари қўйилган. Унда ҳаммаси бўлиб республикада ўттиз бешта тикувчилик корхонаси қатнашади. Ярмаркада республика савдо ташкилотларининг вакиллари ишлаб чиқариш вакиллари билан шартномалар тузадилар. Ўн кун ичида ҳаммаси бўлиб, бир миллион сўм атрофида маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

«ДОН-КИХОТ» ЎЗБЕК САҲНАСИДА





Корсунцев ва Н. Ёқубовани (чапда) ҳамда А. Розметовларни (ўнгда) кўриб турибсиз.

Н. Меламед суратлари.

Яқинда Алишер Навоий номли Давлат академик опера ва балет катта театри коллективи композитор М. Минкуснинг «Дон Кихот» балетини саҳнага қўйди. Балет либреттосини М. Петип М. Сервантеснинг шу номдаги машҳур асари асосида ёзган.

Янги балет премьераси жуда муваффақиятли ўтди. Айниқса, А. Розметов (Дон Кихот), К. Соатов (Санчо Панса), Г. Кочарян (Лоренцо), Н. Ёқубова (Китри), В. Корсунцев (Базиль)ларнинг маҳорати томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Асарни РСФСР да хизмат кўрсатган артист, БССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Ан дреев саҳналаштирган. Рассом— Т. Шораҳимов.

Сиз суратларда балет ижрочиларидан В.

Планетамиз янгиликлари

СОВЕТ ЁШЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ—АНГЛИЯДА

ЛОНДОН. (ТАСС). ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Б. Пастухов бошчилигидаги ВЛКСМ Марказий Комитетининг делегацияси Буюк Британия Коммунистик Ёшлар Союзининг таклифига биноан бу ерга келди. Делегация Англияда ўн кун туриб, Лондондан ташқари Ковентри ва Бирмингемни бориб кўрадилар, Шотландия ва Шимолий Ирландияга сафар қилади. Совет ёшларининг вакиллари Англия ёшларининг ҳаёти билан, меҳнаткаш ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун актив кураш олиб бораётган Англия комсомолининг иши билан танишадилар.

Делегация Буюк Британия Коммунистик Ёшлар Союзининг раҳбарлари билан Совет ва Англия комсомоли ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга доир амалий тадбирларни муҳокама қилади.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

ХЕЛЬСИНКИ. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг 1970 йил охиридаги ҳаракат программасига ва 1971 йилги ҳаракат программасига тинчликни сақлаш, қуролсизланиш, халқларнинг мустамлакачиликка қарши кураши масалалари, Европа хавфсизлиги масалалари киритилган. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретариати ана шу ҳужжатларни эълон қилди.

Ҳаракат программаси, жумладан, Ҳинди-Хитой халқларининг, араб давлатларининг, грек халқининг адолатли кураши билан бирдамлик кампанияларини ўтказишни, курашаётган Ангола халқини ва бошқа миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан халқаро кунлар ўтказишни кўзда тутади.

СОВЕТ КИТОБИ ВИСТАВКАСИ

ПРАГА. Бу ерда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган совет китоби виставкаси очилди.

Совет Иттифоқида нашр этилган икки мингдан ортиқ китоб кўргазмага қўйилган. Бу китобларнинг кўпчилиги В. И. Ленин асарлари, шунингдек ёзувчиларнинг Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларидир.

(ТАСС).

Ишчи-ишчи ҳақида

Қимирлаган қир ошар

Еқубжоннн дам корхона мажлисида қизишиб тортишаётгани, дам кран ғилдиракларига қўйиладиган колодкаларнинг чидамлилигини ошириш устида бош қотираётгани, дам ишчилар билан суҳбатлашаётгани, дам электр схемаларини қоғозга тушираётгани чоғида кўрасиз...

Тошкент товар станциясининг юк саройи. Бундай улкан корхонада биринчи бўлган киши бемалол атрофга ошиқиб қарайди. Қатор-қатор юк туширish бинолари. Бир ёнда контейнерлар, сал нарида оғир юк туширish участкалари.

«Янги тупик» деб аталган контейнерлар участкасида электр кран ишлаб турибди. Бу — станциянинг энг кенжа крани. Овози ҳам қулоққа зўрға чалинади. Аммо, хашпаш дегунча турли-туман юк ортилган «темир уй»ларни вагонидан ерга, ердан машинага, машинадан вагонга кўчириб қўяди. Кран кабинасидаги йигит билан танишиб олдик. У корхонада кўп йилдан бери ишлаб келаётган коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Еқубжон Исмоилов экан.

Бригадага оддий ишчи бўлиб келган Еқубжон мустақил шуғулланиб, кранчиликка имтиҳон топширди. Энди забардаст кран унинг измида. Унинг ишини кўрган кишининг ҳаваси келади. Сергайрат йигит, докм олдинга интилади. 1962 йили темир йўл транспорти инженерлари институтига сиртдан ўқишга кирди. Назарий билимларини амалда татбиқ этди. Аввал мастер, сўнг старший мастер...

Юк саройини техника билан таъминловчи Еқубжон Исмоилов бошлиқ дистанция йилдан-йилга янги мажбуриятлар олиб ишлаяпти.

Шу йиллар мобайнида корхонанинг техника бўлимида инженер, кейин старший инженер бўлиб ишлади. Ҳозир эса участка бошлиғи. Касаба союз маҳаллий комитетининг раис ўринбосари, ўртоқлик судининг раиси. Бу унинг жамоатчилик ишидир. Участка азоаларини юбилей йилида квартал планларини ортиғи билан бажарганлиги учун корхонанинг мусобақа ғолибларига берилаётган кўчма Қизил байроғини олди.

Яқинда Еқубжон Исмоилов ҳақида унутилмас воқеа содир бўлди. Корхона коммунистлари уни бир овоздан ўз сафларига номзодликка қабул қилдилар.

Э. ОХУНЖОНОВ,
Тошкент товар станциясининг ишчиси.



Тошкентдаги 63-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқиш ва дам олиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, лаборатория ва устахоналарда ўқувчилар қурилиш-монтаж, пайвандлаш, санитария-техника слесарлари, арматурачи, ганч ва ёғочга гул солиш каби касбларни ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: мастер А. П. Раҳимов бўлажак пайвандчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

МАЗМУНЛИ ДАРСЛАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих-география факультетининг битирувчи курс студентлари янги ўқув йилини Фрунзе районидаги 144-ўрта мактабда ишлаб чиқариш практикаси ўтказиш билан бошладилар. Вўлажак педагоглар илм масканида олган назарий билимларини амалда синаб кўриб, шу касбнинг нозик ва машаққатли сирларини атрофлича ўрганмоқдалар. Азимжон Қосимов, Мардон Есамуродов, Тиллабой Нормуродов, Исмоил Алламардонов, Адҳам Иброҳимов, Ҳамза Турдиев, Зиёдулла Турсунов, Мастура Нўлдошева сингари студентларнинг 8, 9 ва 10-синфларда, ўз мутахассисликлари бўйича берган дарслари мазмунли ва таъсирчан бўлаётир.

Практикант-студентлар мактаб жамоат ишларида ҳам, синф раҳбари ва ўқитувчиларга яқиндан кўмаклашаётирлар. Деворий газета, «Жаҳон бир ҳафта ичида» кўргазмали турли кечалар ҳам улар иштирокида ташкил қилинмоқда.

Студентларга тарих фанлари кандидати Хайри Мирзаева, М. Мажидова каби методистлар, Бўри Алимов, Ўткиржон Мутаев, Гавҳар Темирова сингари тажрибали педагоглар ҳар томонлама методик кўрсатмалар бериб, ҳар бир дарснинг самарадорлигини ошириш учун кўрашаётирлар. Педагогик практика ноябрь ойининг охиригача давом этади.

Қ. МАЛИКОВ,
ўқитувчи.

Жаҳон ойнаси

СОВЕТ ДЎСТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари беш йилликнинг тугалланаётган йили ишлаб чиқариш планларини бажариш учун курашиб, Совет Иттифоқидаги фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Корхоналарда саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги совет илғор тажрибасини ўрганиш учун очилаётган тўгараклар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикада 5 мингдан ортиқ шундай тўгарак бор. Совет корхоналаридаги илғор тажрибани кенг ёйиш Германия — Совет дўстлиги коллективлари фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бутун республикада 20 мингта шундай коллектив бор.

Германия Демократик Республикасининг матбуоти республика меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида ва корхоналарда қаттиқ тежамкорлик учун курашда эришилган янги муваффақиятлар тўғрисида кун сайин хабар бериб турибди.

Масалан, Эрфуртдаги уйсозлик комбинати мутахассислари билан Москва ва Вильнюсдаги уйсозлик комбинатлари инженерлари ўртасида маҳкам алоқа ўрнатилган. Уларнинг Литва бинокорлари прогрессив методларини қўллаётганликлари олти ой ичида бетон заводини қуриб ишга туширишларига ёрдам берди.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садат Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматини Маҳмуд Фавзий бошчилигида тузиш тўғрисида республика декретини чиқарди.

Бош министрнинг тўрт ўринбосари: саноат, нефть ва минерал ресурслар министри Азиз Сидқий, қишлоқ хўжалиги ва аграр ислоҳот министри Сайёд Марей, ташқи ишлар министри Маҳмуд Ризад ва ички ишлар министри Шаравий Гомаадан иборат қилиб тайинланди.

Ҳукумат составига яна 25 министр ва икки давлат министри киритилди.

«Ал Аҳром» газетасининг хабар беришича, айрим министрликлар фаолиятини яхшироқ мувофиқлаштириб олиб бориш мақсадида бир қанча министрликларни ўз ичига олувчи учта ҳукумат сектори тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ТАСС).

Америкалик ёш коммунист, Калифорния университетининг философия ўқитувчиси Анджела Дэвис текширish бюроси федерацияси томонидан «одам ўлдиришда қатнашган» деган айб билан қамоққа ташланди.



Америкада чиқадиган «Дейли уорлд» газетасидан олинган ушбу суратда губернатор Рокфеллер А. Дэвиснинг Рейган «плантация»сига қайтиб келиши ҳақидаги ордер билан. АҚШда қулдорлик даврида шундай бўлган эди.

МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ КУРАШИ

Нью-Йорк

АҚШда забастовка ҳаракати бир куи ҳам тўхтамаётир. Америкадаги ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб қолган бу ҳаракат меҳнаткашларнинг янгидан-янги қисмини ўз гирдобига тортмоқда.

Хартфордда (Коннектикут штати) мингдан кўпроқ муаллим моддий аҳволни яхшилашни талаб қилиб, иш ташлади. Нью-Йоркдаги такси ҳайдовчи ўттиз олти минг шофер Нью-Йоркнинг шаҳар маъмурлари олдига «Ультиматум» қўйиб агар меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларимиз қондирилмаса, шаҳарни таксисиз қолдирамиз, дейишди.

Хельсинки


Бу йил Финляндияда 700 тадан кўпроқ забастовка бўлди. «Каньсан уутисет» газетасида босилган хабарда айтилишича, Финляндия даги хўжайинлар марказий иттифоқига аъзо бўлган корхоналарда забастовкалар сабабли 140 минг 471 иш куни нобуд бўлди. Металл ишлаш саноати заводларида ва қурилишларда забастовкалар айниқса кўп бўлганлиги қайд қилинди. Химия саноати корхоналари бу борада иккинчи ўринда турибди.

Каракас

Венесуэлада иш олиб бораётган ва Америкага қарашли бўлган «Ломус» концерни бинокорлари ниг забастовкаси бошланганига икки ойдан кўпроқ бўлди. Турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун курашаётган бинокорлар забастовкаси бутун мамлакатда кенг равишда қўллаб-қувватланмоқда. Пуэрто-Ордас шаҳрида меҳнаткашлар уларнинг талабларини қувватлаб намойиш ўтказишди. Намойишни бостириш учун шаҳарга чақириб келтирилган қўшинлар ва миллий гвардия қисмлари «Ломус» концерни корхонасини ишғол қилдилар ҳамда кўчаларга қўриқчилар қўйиб қўйдилар. Шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Мамлакатнинг асосий темир руда ҳавзаси бўлган «Темир минтақада»ги 50 минг ишчи «Ломус» концернидаги ўз ўртоқларининг курашини қувватлаб бир қанча забастовкалар ўтказишга қарор қилганликларини айтдилар.

(ТАСС).



Дуала Камерунинг иқтисодий пойтахти ҳисобланади. Республика ташқи савдосининг саксон процентн Ғарбий Африкадаги энг йирик портлардан бири бўлган ана шу шаҳар орқали ўтади. Дуала аэропорти ҳар йили жаҳонининг турли мамлакатларидан келган ўн мингдан ортиқ самолётни қабул қилиб олади.

СУРАТДА: Дуаланинг қадимий биноларидан бири. Қадимда Аква подшосининг саройи бўлган бу бино ҳозир савдо ташкилотига хизмат қилмоқда.

В. Корочанцев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

«Ленин ва электрлаштириш» виставкаси

ПРАГА. Словакиянинг Банска-Бистрица шаҳрида «Ленин ва электрлаштириш» виставкаси очилди. Бу виставка совет маданиятн кунлари ва Чехословак—Совет дўстлиги ойлиги доирасида ташкил этилди.

Виставкага қўйилган экспонатлар томошабинларни ГОЭЛРО плани ва Совет Иттифоқида электрлаштиришнинг ривожланиши билан таништиради.

(ТАСС)

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМИ

ЛОНДОН. Камбоджа миллий озодлик кучлари Сайгоннинг қўғирчоқ қўшинларига ва Пномпень армияси қўшинларининг Компонгтямга яқин ҳужум қилганлар. Улар Компонгтям аэродромини ва Пномпень режими қўшинларининг шу шаҳар ғарбидаги позицияларини тўпалдан ўққа тутдилар. Пномпень қўшинларининг Компонгтямдан 12 миля ғарбдаги 7-тош йўлда шиддатли жанг бошланиб кетди. Шу жанг давомида Америка авиацияси Пномпень қўшинларини қувватлаб турганига қарамай, улар катта талафот берди. Пномпень қўшинларининг Пномпеньдан 44 миля шарқи-шимолдаги 6 ва 7-йўллар оралиғида жойлашган Скун шаҳридаги позицияларн ҳам тўпга тутилди.

(ТАСС).

АФРИКА ИРҚЧИЛИК РЕЖИМИНИ РАД ЭТМОҚДА

ДОРУССАЛОМ. (ТАСС). Фил суяги соҳили президенти Уфуе-Буани. Африка мамлакатлари Жанубий Африка Республикасининг ирқчилик режими билан «музокара» бошлашини таклиф қилган эди. Умумий Африка касаба союзлар федерацияси бу таклифни кескин равишда қоралади.

Умум Африка касаба союзлари федерациясининг бу ерда эълон қилган баёнотида бундай таклифлар «Африка халқларининг манфаатларига хиёнат қилиш»нинг худди ўзидир, дейилади.

Жанубий Африкадаги апартеид режими билан муносабатларни «нормаллаштириш» мақсадида Африканинг баъзи раҳбарлари таклиф қилаётган «музокара» дейилади мазкур баёнотда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва ташкилот махсус органларининг позициясига зид бўлиб тушади, чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус органлари Жанубий Африка Республикасидаги режимни африкалик аҳолига зўрлаб қабул қилдирилган режим деб, рад этмоқдалар.

СУРИЯ РАҲБАРЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ҚОҲИРА. МЕН агентлигини мухбирининг Дамашқдан хабар беришича, Араб Социалистик уйғониш партиясининг муваққат раҳбарлиги Аҳмад Ҳотиб тайинлади. Аҳмад Ҳотиб партия муваққат раҳбарлигининг аъзоси-дир. Илгари у Сурия Араб Республикаси ўқитувчилари касаба союзининг раиси бўлган.

Араб социалистик уйғониш партиясининг муваққат раҳбарлиги янги министрлар кабинетини тузишни Ҳофиз Асадга топширди.

МЕН агентлигининг хабар беришича, Дамашқда Араб социалистик уйғониш партияси муваққат раҳбарлигининг составн ҳам эълон қилинди. Унга Ҳофиз Асад бошчилигидаги 14 киши кирган.

(ТАСС).



Танландининг бир неча вилоятларида махсус лагерлар тузилган. Бу лагерларда Америка солдатлари фронтга жўнаш олдидан шошилинч тайёргарлик кўрадилар.

СУРАТДА: Америка миномётидан отишни ўрганиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

*Ташвишли сигнал

ҚОРАҚАМИШ ҲАНГОМАЛАРИ

Шу кунда Қорақамиш деяйлса, ҳамманинг кўз ўнгида бундан ўн-ўн беш йил олдинги заҳкаш ва икки томони бахайбат Қорақамиш жари эмас, балки Тошкент энлизласидан сўнг бунёд бўлган қурилиш массиви — осмонўпар турар-жойлар, озиқ-овқат магазинлари, мактаблар намоён бўлади.

Ҳа, яқинда ана шу жойда 2-Қорақамиш массиви қад кўтарди. Бирин-кетин янги уйлар қурилиб битяпти. Қўлида ордери бор кишиларнинг ҳисоби йўқ.

Массивнинг қоқ ўртасида жойлашган 40-уй. Навбат кутувчиларнинг кети кўринмайди. Бу уйда магазин очилган-у, бирор камёб товар сотилаётгандир деб ўйламанг ана.

Бу ерда 23-ЖЭК жойлашган. Бошлиқ Ҳамидулла Аюповнинг жияни-ёшгина йигит экан. Ишга ҳали янги ўтган. Ҳали ҳаммаси олдинда. У гоҳ туради, гоҳ чуқур «уҳ» тортади, гоҳ ён дафтарига алланималарни чизади, гоҳ қўл остидаги кишиларга топшириқ юклайди. Айниқса, бошлиқнинг 25, 26, 27, 28, 31 ва бошқа уйлардан келган кишилар билан бўладиган муомалалари ана шундай кечади.

Нега? Эшитинг.

— Менга ёрдам беринг, бошлиқ. Уйимдан қўланса ҳид келяпти, яшаб бўлмаяпти. Болаларнинг саломатлигига яхши бўлмаяпти, — деб мурожаат қилди 25-уйдан келган аёл.

— Хўш, хизмат?— деди бошлиқ.

— Полларга ёпиштирилган линолар кўчиб кетяпти.

— Қурилишдагилар сизлар турган уйни ҳали бизга топширганлари йўқ. Зудлик билан прораб Майя Артушовага учрашинг. Улар тўғрилаб беришади. Биздан нажот кутманг.

— Шу ҳам инсофданми, бир ойдан бери «зудлик билан учрашаман», аммо...— дедингю, чиқиб кетди. Балки барака топкур бу аёл яна «Майя Артушова қайдасан» деб излаб кетгандир.

— Сизлардан эшитаман?

— Уч кундан бери кухнямиздан сув оқаяпти. Иссиқ сувнинг трубаси тешилибди...

— Кечаги ёмғир ҳам томдан ўтиб кетди. Шунинг учун...

— Сизлар ҳам қурилишдагиларга хабар беринглар, — жавоб қилди ЖЭК бошлиғи.

Қуйидаги савол-жавоблардан маълум бўлиб турибдики, ҳамма камчилик қурилишдагиларда. Массивда яшаётган кишиларнинг қайси бири билан гаплашманг, айбни қурилишдагиларга, қурилиш раҳбарларига қўяди. Жуда тўғри ҳукм. Қурилиш раҳбарларининг қўпинчисизлиги, боқи-бегамлигидан ана шундай ҳангомалар содир бўляпти.

...Массивга кўчиб келганимизга мана ойма-ойга саккиз ой бўляпти. Саккиз ой деганда Октябрь район газетчиларидан «зўрма-зўракн» қилиб газ олишга эришдик. Қишқиронли кунлар бошланяпти. Уйларни иситишга слесарлар келганига анча кун бўлди. Уларнинг боши қотган. Иссиқ сув очишса, ўнта хонадондан ўнтаси биттаси салпал қилиб, бўлмаса йўқ. Буниси ҳолва. Иситиш трубаларини ўрнатган азаматлар «ишни қойил қилиб», резбали жойларга бош қотиришмагай экан. Сув очилди дегунча хоналарда фаввора отилади. Дурадгорлар ҳам, электриклар ҳам, сантехниклар ҳам барака топишсин-э! Ахир, хоналарга ўрнатилган эшикдеразаларнинг рахлари очилиб ётибди. Тўрт квартирали хонанинг бирида электр ёнса, бошқасида йўқ.

Шир этиб ёмғир ёғса, тўртинчи қаватда яшовчиларнинг «ишн» ортади. Чакка ўтади. Не, темир-бетондан ҳам чакка ўтадими дерсиз. Ҳа, шунисн қизиқда. 2-Қорақамишдаги темир-бетонлар чакка ўтказиб юборадиган хилидан экан. Бу, томни мўмлаганларнинг «совғаси»да.

Баъзи уйларга почта яшикларн ўрнатилмаганлигидан хат-хабарлар ва газета, журналларни вақтида ололмаётганимиздан почта ходимларидан ўкинмаймиз, негаки квартиралар номери ёзилмаган.

Гап кетидан гап келар деганларидек, массив ҳангомаларини айтиб тугатиб бўлмайди. «Главташкентстрой»га қарашли 54-қурилиш ташкилоти раҳбарларидан, айниқса, бошлиғи ўртоқ В. Л. Шипошников, СТЭМ қурилиш бошлиғи Мурунов ва бошқа алоқадор ўртоқлар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамаганларида эди, янги массивга нене яхши умидлар билан кўчиб келганларнинг тоқати шунчалик тоқ бўлмасди.

54-қурилиш ташкилоти раҳбарларининг бепарволигидан фойдаланаётган қурувчилар эса «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» иш қилишга ўрганиб қолишган экан. Айтмоқчи, 2-Қорақамишга кўчиб келганлар саккиз ойдан буён «бор отангга, бор онангга» деган сансалорликка ўрганиб қолишди. Бу ҳол қачонгача давом этади?

Массивда яшовчилар номидан:

И. АБДУЛЛАЕВ,
В. ИСЛОМОВ,
Ҳ. АШУРОВА,
В. ҲАСАНОВ,
В. АГАФОНОВ,
У. ОТАЖОНОВ,
Д. ЗУННУНОВ.

ОБУНА КЕЧИКТИРИЛМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА Иттифоқимизнинг ҳамма чеккаларидаги каби шаҳримизнинг кўпгина корхона ва махсус ўрта олий ўқув юртларида обуна тўплаш уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Октябрь районидаги чинни заводида бу йил обуна тўплаш ишлари тез суръатлар билан олиб бориляпти. Заводда ишловчи саккиз юз эллик нафар хизматчининг деярлик ҳаммаси ҳар хил газета ва журналларга обуна бўлди.

Завод партия комитети бу сиёсий вазифани ўташни коммунист Юнусхўжаевга топширган. У ўзининг ажойиб пропагандистлик маҳорати билан бу вазифани яхши уддалади. Заводда бор-йўғи 13 процент ишчи ва хизматчи обунага жалб қилинди, холос.

Обуна кампаниясининг тугашига саноқли кунлар қолди. Шундай бўлгач. бу ишдаги сусткашликка тездан барҳам бериш керак. Шундагина газета-журнал кирмаган бирорта хонадон бўлмайди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.
Республика «Союзпечать» бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Биз Тошкент Давлат университетида обуна ишлари билан танишганимизда, бу олий ўқув юртининг партия ва комсомол ташкилотларидаги ўртоқларнинг бегамликларидан ранжидик. Бу ерда 1200 га яқин ўқитувчидан энди 102 киши газета-журналларга ёзилишибди. Студентлар орасидаги обуна суръати ҳам ёмон аҳволда, 7500 студентдан энди 1100 киши обунага тортилган, холос. Айниқса, университетнинг журналистика факультетида бу иш гоят қониқарсиз. Факультетда ҳозиргача бирор нусха ҳам газета-журналларга обуна ҳужжатлари расмийлаштирилгани йўқ. Факультет комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ К. Иброҳимов ва шу факультет ўқитувчилари бўлажак журналистларга газета-журнал энг асосий дастурамол эканлигини наҳотки тушунмаса? И. Засулов комсомол ташкилоти секретари бўлган география факультетида ҳам масъулиятсизлик давом этмоқда. Университетда 6500 комсомол аъзоси бўлишига қарамай, ҳозиргача 650 нусха «Ёш ленинчи», 210 нусха «Комсомолец Узбекистана», 50 нусха «Комсомольская жизнь» журналига обуна тўпланганлигини қандай баҳоласа бўлади?

ТошДУ партия комитетининг секретари К. Содиқов, комсомол комитетининг секретари М. Ғафуров ўртоқлар обуна масаласи билан жиддийроқ шуғулланишса яхши бўлардн.

Хўжалик бўюмлари заводидаги аҳволни ҳам дуруст деб бўлмайди. Заводда 950 ишчи-хизматчидан ҳозиргача 120 киши обунага жалб қилинганлиги кишини ташвишлантиради. Завод дирекцияси ва партия ташкилоти бу катта сиёсий кампанияни ўтказишни кутубхоначи Ольга Заводскаяга топшириб қўйиб, бирор марта ҳам бу ишнинг натижасини суриштирмаганлар. Цехларга алоҳида кишилар биркитилмаган.

На завод партия комитети, на завод касаба союз комитети обуна ишларининг бориши ҳақидаги масалани ўз мажлисида муҳокама қилгани йўқ. Заводда бор-йўғи 13 процент ишчи ва хизматчи обунага жалб қилинди, холос.

Обуна кампаниясининг тугашига саноқли кунлар қолди. Шундай бўлгач. бу ишдаги сусткашликка тездан барҳам бериш керак. Шундагина газета-журнал кирмаган бирорта хонадон бўлмайди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.
Республика «Союзпечать» бошқармасининг бўлим бошлиғи.



ЯНГИ МАҚОЛЛАР

Олтин ўриндиқ беморни тузатмайди.

* * *

Қўрқоқ киши билан овга борма.

* * *

Ўз дардингни дардмандлар олдида айт.

* * *

Илм — баҳссиз, пул — тижоратсиз, мамлакат — снёсатсиз бўлмас.

* * *

Ишни пичоқ қилади, ғилоф эмас.

* * *

Тўғри йўл йўқолмайди.

* * *

Хом гапирсанг ҳам пухта эшит.

* * *

Бир яхши китоб катта хазинадан афзал.

ТАРИХНИНГ ҚИЗИҚ ЎЙИНИ

Наполеон 1760 йилда туғилган. Гитлер эса 1889 йилда. Булар ўртасидаги фарқ — 129 йил.

Наполеон 1804 йилда ҳокимият тепасига келган. Гитлер 1933 йилда. Фарқи—129 йил.

Наполеон Россияга 1812 йили ҳужум қилган эди. Гитлер 1941 йил уруш бошлади. фарқи —129 йил.

Ҳар иккиси ҳам Россияга қарши урушларда шармандаларча мағлубиятга учраган.

4 НИНГ «ЖИННИСИ»

«Муқаддас Рим империяси»нинг императори Карл IV га тўрт рақами жуда ҳам ёқиб қолган экан. (Ўзи Карлларнинг тўртинчиси эканлиги учун бўлса керак, албатта).

Карл IV империясининг тўрт пойтахти бўлган, уларнинг ҳар қайсисини тўрт буюк княздан бири идора қилган. Ўзи тўртта саройда яшаб, ҳар қайси саройда тўрттадан уйни ишғол қилган. Ҳар бир уйда эса тўрттадан дераза, тўрттадан эшик, тўрттадан стол, тўрттадан қандил бўлган.

Тантанали маросим пайтларида император тўрт хил қимматбаҳо металлдан қуйилган тўрт қиррали тож кияр экан.

У ўз империясининг тўрт қисмга армиясини тўрт корпусга бўлган эди.

Император тўрт нафар от қўшилган фаэтонда юрган, кийимининг ранги тўрт хил бўлган, тўрт тилда сўзлашган.

У кунига тўрт маҳал овқатланарди, тўрт хил шароб ичарди.

Ҳар галги овқат тўрт хил таомдан иборат бўларди.

4 рақамининг «жинниси» бўлган император умрида тўрт марта уйланган, улардан тўрт ўғил кўрган.

Ўлими олдидан унинг ёнида тўрт врач ва тўрт дин пешвоси турган. Уларнинг ҳар қайсиси императорнинг тўрт васиятини тўрт тилда ёзиб борган.

Ўзи ҳам 1378 йилнинг 29 ноябрида роппа-роса соат тўртда дунёдан ўтган.



Кўзимизнинг нурисиз,
Қалбимиз ғурурисиз,
Фахримиз шуурисиз,
Бизнинг азиз болалар!

«Оқ олтин» қўлингизда,
Нур чақнар кўзингизда,
Бахт-иқбол йўлингизда
Жондан лазиз болалар!

Оналар қўшиғида,
Ватаннинг оғушида,
Бахтиёрсиз сиз жуда,
Болдан ширин болалар!

ҲИКМАТГА МОЙИЛ САТРЛАР

Ҳар қандай гўзаллик ҳам маъно билан баҳоланади.

* * *

Гердайиш — маъносиз улуғворликдир.

* * *

Инсон ўз заифлигига кўзи етган ҳолдагина тақдирга тан беради.

* * *

Доно-доно бўлгани учун ҳам бошқаларга қараганда кўпроқ азоб чекади ва қайғуради.

Ҳ. МАНСУРОВА
тўплаган.

ХАНДА

Роберт қўшнисидан нолиб онасига деди:

— Уфф! Ҳечам тоқат қилиб бўлмайди. Бугун кечаси билан деворни уриб чиқишса бўладими?..

— Шўрлик Робертим! Улар ухлашига халал беришдими?

— Йўқ, аслида мен ухлаётган эмасдим. Келаси якшанба куни ижро этиладиган қўшиқни репетиция қилаётган эдим...

● *Боболар ҳикоятидан*

ТИЛИДАН ИЛИНДИ

Кунлардан бир кун Мирзо Улуғбек ҳузурига бир киши келиб, ўз дўстининг хиёнатидан шикоят қилиб айтди:

— Бундан бир қанча кун илгари Бухорони зиёрат қилиш ниияти билан Самарқандан йўлга чиқдим. Ҳамёнимда ортиқча минг танга пулим ҳам бор эди. Икки фарсанг (14—16 километр, Ш. З.) йўл юрганимдан кейин, жуда чарчадим, қорним ҳам очди. Катта бир ариқ бўйида ўсган дарахт соясида ўтириб, дам олдим, овқатлана бошладим. Шу пайт, дўстларимдан бири йўлдан ўтиб қолди. Мен уни ҳам овқатга чақирдим, келди, биргалашиб овқатландик, гурунглашиб ўтирдик. Сўнгра дўстим кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Мен ҳамёнимдаги минг тангани дўстимга топшириб:

—Дўстим, бу ҳамёндаги минг танга пулимни сенга омонат тариқасида топшираман, уйингга қайтгач, шу омонатни олиб беришингни ўтинаман, — дедим.

Дўстим пулни қабул қилиб, омонатни олиб беришга ваъда берди.

Бир неча кундан кейин, Бухородан Самарқандга қайтиб келдим. Дўстимнинг омонатни олиб беришга топширмаганини маълум бўлди. Дарров дўстимнинг ёнига бориб, ундан омонатни олиб беришга топширмаганининг сабабини сўрадим. Менда ҳеч бир омонат пул олмаганини, ҳатто мени кўрмаганини айтиб, топиб тура берди. Шунинг учун, аразлашимни сизга айтмоқ учун ҳузурингизга келдим. Пулимни шояд, ундан ундириб берарсиз деб умид қиламан.

Мирзо Улуғбек унинг хиёнатчи дўстини ҳузурига чақиртириб келтирди ва ундан бўлган воқеани батафсил айтиб беришни сўради.

У киши бундай деб жавоб берди:

— Мен катта ариқ бўйидаги дарахт соясида у билан ўтириб овқатланганим у ёқда турсин, ҳатто унинг ўзини кўп вақтлардан бери кўрмаганман. У дарахт қаерда ва қайси ариқ бўйида эканини ҳам билмайман.

Шундан сўнг, Мирзо Улуғбек пул эгасига буюрди:

— Сен дарров ўша дарахтнинг бир нечта баргини олиб кел.

Пул эгаси кетгач, Мирзо Улуғбек унинг хиёнатчи дўстини ёнига ўтқазиб, чақ-чақлашиб ўтирди. Сўнг уни гапга қизиқтириб туриб:

— У киши дарахт ёнига етканмикан? Дарахт анча узоқда бўлса керак, у киши шу пайтгача келмади — деган эди, гапга қизиқиб қолган хиёнатчини ғафлат босди:

— Ҳали етгани йўқ, дарахт анча узоқ ерда, — деб тилидан илинди хиёнатчи.

Мирзо Улуғбек қула-қула унга айтди:

— Ҳозиргина «у дарахтни сира ҳам кўрганим йўқ» деб айтган эдинг-ку, у қачонинг ҳалигача дарахт ёнига етмаганини, дарахт узоқ жойда эканини қаердан биласан? Беъмани сўзларни сўзлама, тур ўрнингдан, омонат қўйилган пулни дарров олиб кел, бўлмаса жазо бераман.

Хиёнатчи айбини бўйнига олиб, пулни келтирди. Шу чоқда пул эгаси ҳам етиб келди. Мирзо Улуғбек минг танга омонат пулни хиёнатчидан олиб эгасига топширди.

Форсча «Бадое-ул-вақое» номли асардан.

● *Ўсимликлар оламида*

ТЕЗ ЎСАДИГАН ЁНҒОҚ

Биз тажриба ўтказаётган Алишер Навоий номли колхозда бир неча хил ёнғоқ бор. Уларнинг ўсиши ва мева қилиши турлича. Чотқолнинг Архит ҳавзасидан келтирилган ёнғоқни 12 апрель 1968 йилда уруғидан экиб ўстирдик. У, 25 апрелда кўкариб чиқиб барг, тана ҳосил қилди. Июнь, июль ойларида ривожланиб, 15 августда гуллаб мевага кирди.

Ёш ёнғоқнинг ҳосил қилиши жуда ажойиб бўлиб, кишини ҳайратда қолдирди. Иккинчи апрелда кўкариб чиқиб баҳорда гуллаб ҳосил қила бошлади. Унинг бўйи бир метру 60 сантиметр бўлганда яна қишлашга кирди. Қиш кунлари ҳам ўсимлик ўсишни тўхтатмади, унинг донаси, навдаси йўғонлаша бошлади, куртаклари ўсиб гуллашга тайёрланар эди.

Учинчи баҳорда одатдагича гуллаб, ҳосил берди. Баҳор ва ёз фаслида ўсиб, янги навда, янги гул ҳосил қилиб, бўйи 3 метрдан ҳам ошди.

Сентябрда ҳам ўсишдан тўхтамади. Меваси 11 сентябрда пишди. Жуда кўркам, серҳосил ҳамда бошқа ёнғоқлардан ажралиб турғани учун уни «Зебо» деб атадик.

Бундай ёнғоқларни кўпайтириш зарур. Аслида, бундай зотли ёнғоқларни уруғидан етиштириш мумкин. Негаки, табиат уни ўзи узоқ ривожлантириб, ажойиб ёнғоққа айлантирган. Бу ёнғоқ кўчатдан экилган ёнғоқларга қараганда яхши ўсади ва тез ҳосилга киради. Шунинг учун, ёнғоқни уруғидан экиб кўпайтириш яхши натижалар беради.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос.



БАХТЛИМАН

Шохдан-шохга учган қуш,
Гул боғимга тушган қуш,
Бахтлимисан, айт бизгадай?
— Бахтлиман, мен ҳам сиздай —
Эркинман ва озодман,
Парвозим билан шодман.

Ҳабиб РАҲМАТ.

● *Боланинг тили ширин*

ИНДАМАГАН ЭКАН

Аҳмаджон уйга мактабдан хомуш қайтди.

— Ҳа, ўғлим, нима бўлди сенга, ўртоқларинг билан уришдингми?— сўради акаси.

— Йўқ! Индамасам ҳам ўқитувчи опамлар «икки» қўйдилар.

Ҳ. МУРОДОВ.

● *«Тошкент оқшоми» ҳажв дафтаридан*

АВТОБУСИМ

Ишчилар, хизматчилар кутганда зор, автобусим,
Тўлдириб паймонани этдинг хумор автобусим.
Ҳар бекатда тўпланиб кутмиш одамлар қанчалик,
Шубҳадан, поқ қўнглига қўнмиш ғубор,
автобусим,
Бахтимизга, хайрият, гоҳ довдираб жилпангнамо,
Гоҳ шошилмасдан келарсан сервиқор, автобусим.
Тўхтадингму, бас, шу он: «Чиқ! Ур-ҳо Ур»лар
бошланур,
Тоза, оқ кўйлак туси бўлгай чипор, автобусим,.
Туфлию, шим лой ичида қолгуси қиш пайтида,
Туртишар:—«Жилгин! Уни туртиб юбор?!»,—
автобусим.
Ҳатто тузланган балиқлар бочкадан ростлаб
бўйин,
Ҳолимиз этган томоша неча бор, автобусим,
Уйдаги хотин-халаж тугма қадашса кун бўйи,
Бошланур жанжал ахир бенхтиёр, автобусим.
Не бўлур, иш жадвалингга сен бироз қилсанг
амал,
Буйнингга тақсанг уни, англаб тумор,
автобусим.


Муҳаммаджон НИЁЗМУРОДОВ,
Андижон.

БИР КИЛОГРАММЛИ ЛИМОН



Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг теплица хўжалигида ажойиб ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Моҳир соҳибкор, республикада хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддинов кейинги беш йил ичида «Мэер», «Ўзбекистон», «Фахриддинов—1», «Фахриддинов—2» каби лимон навларини яратди. Бир дона «Ф—1» навли лимоннинг оғирлиги бир килограммга етди. У бир туп дарахтда 400 та ўртача лимон олди.

СУРАТЛАРДА: соҳибкор Зайниддин Фахриддинов ўз номига келган янги хатлар билан танишмоқда. Пастдаги суратда соҳибкор яратган «Ф—1» навли ўнта ўртача ва бир килограммлик катта лимон.



ЭНДИ МАНА БУ ҲИКМАТЛАРНИ ЎҚИНГ:

◆ **Фосиқ, аҳмоқ, ёлғончи ва хиёнатчи кишини ўзингга дўст деб билма. Ҳақиқий дўст агар мингта бўлса ҳам камлик қилади, душман битта бўлса ҳам кўпдир.**

◆ **Кўнгли пок, ёмонликдан узоқ бўлган киши билан дўст бўл, алдамчи, нопок киши билан дўст бўлма.**

◆ **Ғофил, нодон кишн ўзининг пок қалбли, чин дўстининг кўнглини оғритиб, уни қўлдан бой беради.**

◆ **Дўстларнинг дўстлиги машаққат, оғирлик ва муҳтожлик вақтда синалади.**

Форсча «Лавоми-ул-анвор» номли асардан.

Ш. Зуннун тайёрлаган.

РАССОМ ТАБАССУМИ



РАШКЧИ:
— Намунча қўйлакларингни кўпайтирипсан, эрга ёқиш учун буларинг кераги йўқ!..



Ҳар кимнинг орзуси...



Шунақаси ҳам бўларкан:
ОНА:—Дадаси, бундоқ эркакларга ўхшаб ичмайсиз ҳам, ўғлингиз бодроққа шиша тополмай ҳарҳаша қилянти.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. Ҳолиқов
расмлари.

БМТ кутубхоначиси

◆ СОВЕТ КИШИСИ ЧЕТ ЭЛДА
◆ КУТУБХОНА ФОНДИДА 2 МИЛЛИОН НУСХА ҲАР ХИЛ ҲУЖЖАТЛАР
◆ 37 МИЛЛАТДАН 150 ХИЗМАТЧИ
◆ КУТУБХОНА ИШИДА ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛЯПТИ.

«... Кейинги олти йил ичида Ташкилот ишига қўшган ҳиссангиз эвазига ўзимнинг минатдорчилигимни изҳор қиламан. Сизни ҳурмат қилувчи У Тан, бош секретарь».

Юқоридаги парча тарих фанлари кандидати Лев Иванович Владимиров номига битилган хатдан олинган. Олти йил мобайнида у Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кутубхонасида директор бўлиб ишлади.

— Ана шу вазифага кишиларни қандай қилиб танланади ёки олинади?—деган савол билан Владимировга мурожаат қилдик.

— Аввало, бунинг учун йирик кутубхонанинг директори бўлиш лозим. Менга келганда шуни айтиш керакки, мен 1964 йили, яқинда ўзининг тўрт юз йиллигини нишонлаган энг кекса Вильнюс университетининг кутубхонасига мудирлик қилдим. Ана ўшанда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамма делегацияларга кутубхона директорининг вакант ўрнига конкурс эълон қилингаллигини маълум қилди, СССР Маданият министрлиги конкурсга менинг номзодимни қўйди.

Бу конкурс АҚШ, Испания, Япония, Мексика ва бошқа мамлакат вакиллари ўртасидаги ҳақиқий мусобақага айланди. Албатта, мен жуда ҳаяжонландим, кейин эса бу конкурсдан ўтдим.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кутубхонаси ўзи қандай! У афтидан, дунёдаги бошқа китоб сақланадиган жойлардан фарқ қилса керак!

— Ҳа, албатта. Биринчи навбатда бу ерда халқаро ташкилотлар мажлисларининг энг тўла ҳужжатлари ва нашрлари сақланади. Кутубхона БМТ фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича ахборот беради. Ана шунинг учун ҳам, унинг фондида икки миллион нусхадан ортиқ турли-туман ҳужжатлар ва бор-йўғи 400 мингга яқин китоб бор.

Ҳар йили Ташкилот 150 минг ҳужжатни босиб чиқаради. Бу ерда ҳар хил варақалар ва кўп томли асарлар бор.

Шахсан мен совет кишиси директорлиги чоғида кутубхонага электрон техникаси системаси жорий этилганлигидан фахрланаман. Унинг ёрдамида юбориладиган материаллар тўрт тилда, жумладан, рус тилида ҳам ҳисобга олинади.

Шу йилнинг баҳорида биз кутубхонамизда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган виставка ташкил этдик. СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Я. А. Малик кутубхонага совға сифатида Ильичнинг жаҳон халқларининг турли тилларда сўнгги нашр этилган, тўла асарлар тўпламини тақдим этди.

— Гарчанд кутубхона Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тегишли бўлсада, у Нью-Йоркда жойлашган. Афтидан, унинг хизматчиларининг кўпчилигини америкаликлар ташкил этса керак-а?

— Кутубхонада 150 хизматчи ишлайди. У 37 миллат вакилларидан иборат. Шуниси қувончлики, ана шу «Халқаро коллектив» ичида совет кишилари ўзларининг юксак профессионал малакалари билан ажралиб туришади. Абонемент ва фондлар секторининг мудири О. Красулина, классификациячи Ю. Зверев, ҳужжатлар бўлимининг ходими Ю. Соболев шулар жумласидандир. Мен шуни зўр ифтихор ва қувонч билан маълум қиламанки, мендан кейин БМТ кутубхонасини беш йил мобайнида яна совет кишиси — Ленин номидаги кутубхонанинг собиқ директор ўринбосари Наталья Ивановна Тюлина бошқаради.

«Труд» газетасидан олинди.

ҚУЁШГА ТЕНГ КОМЕТА

Кометалар тарихи қадимдан астрономларни қизиқтириб келган. Таго-Сато-Косака кометаси (буни уч япон олими номига қўйишган, чунки кометани уларнинг ҳар учаласи деярли бир вақтда топган) водород булути билан қопланган бўлиб, ҳажми қуёш билан тенг. Бу ихтиро ернинг сунъий йўлдошларида космосда телескоп орқали ўтказилди.

ФОРС ЛАТИФАЛАРИ

Афанди бир золим подшога вазир экан. Бир куни подшо Афандини чақириб сўрабди:

— Менинг салтанатимда нима нарса ҳеч рўёбга чиқмаган?

— Камбағалларнинг орзуси,—таъзим билан жавоб берибди Афанди.

* * *

Бир киши ўзига бегона одамдан қарзга пул сўради.

— Мен сени танимайман, қандай қилиб қарз бераман,— ажабланди у.

Шунинг учун ҳам сўраяпман. Агар мени таниганингда бир тийин ҳам бермас эдинг, — деди пул сўраган киши.

А. Ҳакимжонов
таржимаси.



ҚУШЛАР КЎЧДИ

Қушларнинг навбатдаги учиб ўтиши... Пешонаси оқ — казарин ғозлари жанубда қишлайди. Узоқ шимолдаги иларидан ўрта Ер денгизи томонга учиб ўтиш учун бу қушлар бир неча минг километр масофани босиб ўтиши керак. Бу суратни «Известия» фотомухбири Надеждин Ростов областидаги Манич сув омборида олган.

● *Пазанда маслаҳати*

Андижон мантиси

Қийма ёғлиқ қўй гўштидан тайёрланади. Майда тўғралган пиёз, туз, зира, қалампир, хом тухум чақиб аралаштирилади. Хамир қориб ўн-ўн беш минут тиндириш учун олиб қўйилади. Сўнг хамирдан 150 граммлик бўлаклар кесиб олиб зувала ясалади ва жўва ёрдамида катта думалоқ жилд ёйилади. Ҳар бир жилдга уч юз грамм (бир стакан) қийма солиб юмалоқ катта манти тугилади. Қасқонинг лаппагини ёғлаб, мантиларни бир-бирига тегмайдиган қилиб жойланади ва бир соат давомида пиширилади. Таёр донадан косаларда, шўрваси ва қатиқ билан бирга келтирилади.

Хамирига: 500 грамм ун, 1 чой қошиқда туз, 1 стакан сув. Қиймасига: 1 килограмм гўшт, 500 грамм пиёз, 1 дона тухум, туз ва зиравор таъбга кўра солинса, юзига суртиш учун 2 стакан қатиқ керак бўлади.

Картдумба манти

Думба ёғини майда кубик қилиб тўғрайсиз, шакар ёки қанд упасига аралаштириб олиб қ ў я с и з. Хамиртурушни илиқ сувда эритиб, унни бўлиб-бўлиб солиб, қаттиқ қорасиз. Яхшилаб муштлагач, салфеткага ўраб, иссиқ жойда сақлайсиз. Кўтарилган хамирдан ёнғоқ катталигида зувалачалар ясаб, кафт билан эзиб қалинлиги учтўрт миллиметр келадиган жилд тайёрлайсиз. Ҳар бир жилдга ёғ қиймадан солиб, юмалоқ шаклда манти тугасиз. Қасқонга қўйиб, бошқача мантилар сингари 40—45 минут давомида пиширасиз. Дастурхонга тортишда, юзига қатиқ суркайсиз.

Хамири учун: 500 грамм ун, 20 грамм хамиртуруш, 1 чой қошиғида туз, 1 стакан сув. Қиймасига 1 килограмм думба ёғ, 300 грамм шакар ёки қанд упаси. Юзига суртиш учун 1 стакан қатиқ.

К.МАҲМУДОВ.



Жодугар

(Ҳажвия)

Бурхон ҒАНИ

Нима бўлди-ю, қўшни онла аъзолари кейинги кунларда Нозимнинг йўлида тез-тез пайдо бўладиган одат чиқаришди. Ҳар куни эрталаб ишга бораётганида ва оқшом уйга қайтаётганида, Нозим қўшнисининг дарвозаси олдидан ўтмай иложи йўқ эди. Қачон ўтмасин, ана шу онла аъзоларидан бири эшик олдида турар, Нозимни кўргани ҳамон, уни илтифот билан уйга таклиф этарди. Нозим минг баҳона топиб, бир амаллаб «қутулиб» қоларди. Ростини айтганда, яқиндагина қўшни бўлиб қолган, ҳали унча танимайдиган бу одамларнинг уйига кириб боришга ийманарди. Қўшни оиланинг бирон-бир аъзоси билан ҳам дурустроқ таништига улгурмаганди у. Оила бошлигинигина чойхонада бир-икки кўрган, холос.

Кунлардан бир кун Нозим таклифни рад этгани арзигулик баҳона тополмадя-ю, қўшнисининг уйига кириштан бошқа иложи қолмади. Уриларидан сапчиб турган уй эгалари шодликларининг нишонаси йўқ эди. Улар қўлларини кўксиларига қўйиб, меҳмонни ҳурмат билан қарши олишди. Нозимни хонанинг энг тўрида, парчадан тикилган қимматбаҳо кўрпачаларга ўтқизишди. Ўзлари қўйида ўтириб олиб меҳмон билан бирма-бир сўрашиб чиқишди. Ҳамманинг нигоҳи Нозимга қаратилган, ҳаммасининг чеҳрасида илиқ табассум. Ҳатто, сигири сут бермаган одамга ўхшаб, эрталабдан қовоқ солиб ўтирган қари-кампир ҳам шодлигини яшира олмади.

— Меҳмон, марҳамат қилиб мураббодан олиб, оғиз ширин қилинг,— деди уйнинг бекаси.— Уйда қилинган мураббо. Қизимиз Лолахон Шаҳринав опчасидан атайлаб пиширди.

— Ҳозиргина тандирдан узилган мана бу иссиқ нондан олсангиз-чи, бизнинг Лолахон ўз қўллари билан ёпган,— қўшиб қўйди кампир суқ билан тикиларкан.

Нозим бундай марҳаматдан нима қилишни билмасди. У бошини зўрға кўтариб, ташаккур билдирди. Кўзлари рўпарасида ўтирган, ёши анчага бориб қолган қизга тушди. Қиз қўларини кипириклари остига яшириб, кичик сингиси ёнида ҳаё билан ўтирар, ҳар гал «Лолахон» деб номи тилга олинганда, худди лолаланинг ўзидек қизариб ял-ял ёнар, нозик бармоқчаларини ўйнатиб, негадир кўрпанинг ипларини узадигандай бўлиб тортиб-тортиб қўярди. Ҳа, қизнинг ҳалжонланиб ўтиргани сир эмасди. Бирдан у ғалати журъат билан бошини кўтарди. Кўзлар тўқнашди.

Ўзини йўқотаёзган Нозим қўлидаги нонни мурабболи шиёла ўрнига, чойга ботириб олса бўладими. Буни ҳис этган мезбонлар бир-бирларига навбат бермай, дастурхондаги ноз-неъматлардан бемалол олиб туришини таклиф этдилар. Оила бошлиғи бўлса, тилла тишларини кўрсатиб ханда қилгани қилган эди.

— Уялмасдан олаверинг, ука. Тортдан еб кўринг, —деди Лолахоннинг катта опаси.— Лолангинг санъатига бир баҳо беринг. Бу ҳали ҳолва. Қизим тиккан сўзанани кўрсангиз эди. Гўзалликда юлдуз тўла чароғон осмон, дейсиз.

Бундай жодугар қиз Нозимнинг дилини асир қилмай қўймасди, албатта. У Лолахонга муҳаббат изҳор этди. Қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари бу таклифга бажонидил розн бўлишди...

* * *

Мана, икки йилдирки, Низом ва Лола «аппоқ-чапоқ» яшаб келишяпти. Ошхона ёки ресторанга кунда бориб туришади. Кир-пирларни ювиш ва уйдаги бошқа хўжалик ташвишлари бўлса — машиний хизмат комбинати зиммасида.

Тожикчадан таржима

МИЛИЦИЯНИНГ АКТИВ ЁРДАМЧИЛАРИ

Чилонзор район ички ишлар бўлими. Кечқурун соат саккиз. Ҳовлида эса тунги посбонлар саф тортиб туришибди. Ҳар бир колонна бошида корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари. Бугун районда жамоат тартибини кўриқлаш вазифаси автойўл ўқув комбинати, «Средазэлектросетьстрой» трестининг 71-механизациялашган колоннаси ҳамда театр-рассомлик санъати институти активистларига юкланган. Группаларга бўлинган уч юздан ортиқ тунги посбонлар участка инспекторлари бошчилигида машиналарга ўтириб белгиланган объектга жўнаб кетдилар.

Ҳовли ҳувиллаб қолди. Навбатчи хонасида эса ёрдамчи хизмат учун дружиначилар наряди қолдирилди.

«Олтинчи, олтинчи, Мен «Волга»ман. Мен «Волга»ман. Участкадаги аҳвол ҳақида ахборот беринг. Мени қандай тушундингиз?»— Шаҳар милиция бўлими навбатчисининг ана шундай овози эшитилади. Бирин кетин участка вакиллари ўз объектлари ҳақида доклад киладилар. Кейин эса телефон қўнғироқлари бошланди.

Бўлим бўйича навбатчи младший лейтенант С. Ҳикматуллаев одатдагидек тунги патрулларнинг ишига раҳбарлик қиляпти.

Мана, жамоат тартибини бузган дастлабки кишилар олиб келинди. Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси аниқ механика ремонти комбинатининг механиги Чилонзорнинг 17-кварталь 35-уй, 94-квартирасида истиқомат қилувчи Евгений Александрович Красильников оилада жанжал кўтарганлиги учун олиб келинди. У узу-кун ичишдан бош кўтармайди, хотини, болаларини калтаклаган, қўшниларни ҳақорат қилади. Майда безорилиги учун илгари суд қилинган эди. Милиция бўлимида у яна нишга ўтди.

— Мени бу ерга нима-га олиб келдинглар,— дейди «Главмосстрой»нинг ремонт-қурилиш бошқармаси бетончиси Гора Зайнал ўғли Магеранов.— Ахир мен тартибни бузганим йўқ-ку. Протокол билан танишиб чиқдим. Маълум бўлишича, уни ушлаган пайтларида «Тошсовет 50 йиллиги» номидаги кинотеатр рўпарасида спиртли ичимлик ичиб, ножўя сўзлар билан кишиларни ҳақорат қилаётган экан. У кишилар билан ғуриши, дружиначиларга ҳам қаршилик кўрсатган.

Чилонзор ички ишлар бўлими хизмати инспектори капитан Н. Гришин қуйидагиларни айтиб берди:

— Кейинги пайтларда районимизда тартиббузарлик анча камайди. Бунда, албатта, биринчи навбатда бизнинг яқин ёрдамчиларимиз — корхона ва муассасаларнинг активистлари, кўнгилли халқ дружиначиларининг роли каттадир.

Бу ўринда, айниқса, пластмасса буюмлари заводи, 2-автокомбинат, автомобиль йўл ўқув комбинати ошхоналар трести коллективларига катта миннатдорчилик билдириш керак. Ана шу корхоналарнинг активистлари раҳбарлари билан навбатчиликка чиқишиб, ўзларининг жамоат бурчларини виждонан бажаришади.

— Николай Тимофеевич, навбатчиликка кам чиқадиган корхона ва муассасалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Шунга ўхшаш корхоналар оз бўлсада бор, — сўзида давом этди Н. Гришин. Лекин бундан биринчи навбатда райондаги жамоат тартиби зарар кўради. Шу масала ҳусусида биз бир неча марта 7-автобус паркининг директори Алиев билан суҳбатлашдик. Лекин у ҳар гал ўз коллективининг навбатчиликка чиқмаганлигини корхонанинг спецификаси билан оқлашга ҳаракат қилади. Бу коллектив уч йилдан бери тартибни сақлашда қатнашмаяпти. Бадиий билим юрти, «Зангори экран» телеательесининг филиали, Театр жамияти ишлаб чиқариш комбинатининг раҳбарлари бўлган Абдураҳмонов, Алиев ва Раҳмоновлар ҳам ўз бурчларини унутиб қўйганлар. Афтидан, ана шу ўртоқлардан жиддий суратда системали равишда муҳим тадбирда қатнашмаётганликлари нинг сабабини сўраш вақти келди.

Шу куни шаҳар бўйича икки ярим мингдан ортиқ активлар ва халқ дружиначилари посбонлик қилишди.

—Бу рақам албатта, марра эмас,— дейди Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг снёсий тарбия ишлари бўйича бўлим бошлиғи майор В. Яшин.— Қўлларига қизил богич боғланган активистлар қанчалик кўп бўлса, жамоат тартибини бузувчилар ҳам шунчалик камяди.

Шу кунларда тунги посбонлар сафи янги таъбускорлар билан тўлди. Булар ҳунар-техника билим юрти, ўрта мактаб ўқувчилари, корхона ва муассасаларнинг коллективларидир. Агар ҳар бир тошкентлик тартиббузарларга қарши курашда актив иштирок этса, муаззам шаҳримиз маданияти янада тараққий этган ва жамоат тартиби намунали йўлга қўйилган шаҳарлардан бирига айланади.

Р. ГАБДУЛХАКОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Йўлбарс изидан

ПОЙТАХТ ЭКРАНЛАРИДА

Иккинчи жаҳон урушида югослав партизанларининг немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона олиб борган кураши ҳақидаги бу фильмни таниқли югослав кинорежиссёри Хайрудин Крвавац қўйган.

...Воқеалар Югославия тоғларида 1944 йилда содир бўлади. Чекка бир қояли жойда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган кўприк жойлашган. Бир неча кундан кейин бу кўприк устидан партизанларга асосий зарбани бериш учун гитлерчиларнинг бронетанклари ўтиши керак.

Партизанлар штабига бу тайёрланаётган мудҳиш операция маълум бўлади ва улар ҳам немис қўшинларининг ўтишига қарши бу кўприкни портлатиш планини тузишга киришадилар.

Бу вазифани удда қилиш оғир эди. Кўприкка яқин жойларга миналар қўйилган, мураккаб сигнализация ҳеч кимни яқин келтирмайди.

Кўприкни портлатиш вазифаси мард, қўрқмаслиги учун Йўлбарс номини олган энг тажрибали партизан командирларининг бирига топширилади. Унинг группасига турлича характер ва ҳунарга эга кишилар киришади. Улар орасида кўприк лойиҳасининг яратувчиси — инженер ҳам бор эди. У ўзининг биринчи кўприги бузилишини истамайди. Аммо бир қатор фожиали дақиқалар, кишилар, ҳалок бўлишини ўз кўзи билан кўрганидан кейин у ўзининг бурчи нимада эканлигини яхши англайди.

Мавжуд бўлган ҳамма қийинчиликларга қарамасдан, партизанлар штаб топшириғини бажарадилар.

Ролларни Б. Живойиновић, С. Перовић, Х. Хассе, Б. Дворник, Р. Башич ва бошқалар ижро этишган.

Югославия даги «Боснафильм» маҳсулоти.

СУРАТДА: фильмдан кадр.



РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—21|XI да—Рус кишилари, 22|XI да Улуғ малика ва етти баҳодир ҳақида эртак (кундузи), Риголетто (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21|XI да Парвона, 22|XI да Бой ила хизматчи (кундузи). Олтин девор (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21|XI да Ажаб савдолар, 22|XI да Менинг жаннатим (кундузи). Елғончи даркор (кечқурун), 23|XI да Қайнона.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА—22|XI да 7—10 синф ўқувчилари учун 2-абонемент бўйича ВИРИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ (кундуз соат 2 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР». Ешлар коллективи артистларининг гастроллари.

Кино

21 НОЯБРДА

Чайковский (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кечқурун).

Машаққатли масофалар — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (кечқурун).

Гилам ва қаллоб—«СПУТНИК» (жуфт соатларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Пан Володиевский (2 серия) — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Гул ва тош (2 серия)—НАВОИЙ номли (кечқурун).

Муҳлат 7 кун—«ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

22 НОЯБРДА

Чайковский (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Машаққатли масофалар — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Гилам ва қаллоб—«СПУТНИК» (жуфт соатларда). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Пан Володиевский (2 серия)—«ВОСТОК». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (2 серия)—НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Муҳлат 7 кун—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24, 25 НОЯБРДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Камтар ОТАБОЕВ, Маҳмуд МУҲАМЕДОВ, Ғофур АЗИМОВ, Сайфиддин НУЛДОШЕВ, Вилоят ОҚИЛОВА;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ;

Солистлар: Алижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Хадича АЛИ-МАРДОНОВА ва бошқалар.

Программани Назрулла ЕҚУБОВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТЕЛЕВИЗОР

21

НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 Кичкинтойлар учун. «Войчечак» программаси. 17.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мардлик—мангулик». 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.45 Эстрада шинавандалари, сизлар учун! 19.25 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.30 Рангли телевидение. «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 21.00 Янгиликлар. 21.05 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1960 йил ҳақидаги сериаси. 22.00 Эфирда «Молодость». 23.30 «Вақт» информацион программаси. 24.00 Санъат устолари. РСФСР халқ артисти Е. Копелян. 01.15 «Ленинград оқшоми». Музикали программа. 02.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

18.00 Фан ва техника факультети. 18.40 Янгиликлар. 18.45 Маданият факультети. Совет қўшиқлари.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 «Ўзбекистон йўллари». 20.00 «Чашма» халқ ижоди ижодий программаси. 20.40 Халқ ҳофизлари концерти. 21.20 «Тутишгандан афсал». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран—болаларга. 18.40 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА! Республика зарбдор қурилишларида. 19.00 Янгиликлар.

Тожик тилида: 19.05 Эфирда «Молодость». 20.10 Маданият университети. «Бадиий образ». 21.00 Оқшом эртаклари. 21.10 Талабларга мувофиқ концерт. 22.00 Янгиликлар. 22.15 «Қараш довонидаги отишув». Бадиий фильм (рус тилида).

22

НОЯБРЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида. 10.00 Болалар учун кинофильм. 10.10 Кичкинтойлар учун «Уйлаб топ». 10.40 «Яшаш учун туғилганлар». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 12.05 Ўқувчилар учун. «Еш куч». Спорт программаси. 12.40 «Болалар». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мульт-фильм. 18.10 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 18.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». 19.30 Совет киноси усталари. Вячеслав Тихонов. 20.40 Халқ жасорати йилномаси. ҚАРШИ КУНДАЛИГИ». 20.55 «Хушвақт бўлинг». Музикали дам олиш программаси (такрорий кўрсатув). 21.35 «Ахборот» информацион программаси. 22.05 Халқ созанда-бастакорлари. М. МУРТАЗОЕВ. 23.00 Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ

10.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометрия (ўзбек тилида). 11.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометрия (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.15 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Будильник». 13.00 Орджоникидзе телевидение студиясининг программаси. 13.55 Жуковский номидаги Ленин орденли Қизил Байроқли ҳарбий-ҳаво инженерлари академиясининг 50 йиллигига бағишланган кўрсатув. 14.25 Талабаларга мувофиқ концерт. 15.05 «Сўнгги қор». Телевизион бадиий фильм.

16.00 Бетховен симфонияси. 17.00 Рус музейи билан учрашувлар. 17.30 Болалар учун телевизион театр. Ю. Сотник. «Дақпат». Саратов ёш томошабинлар театрининг спектакли. 19.00 Совет Армияси ва Флота жангчилари учун ашиттириш. 19.15 Музикали киоска. 19.45 «Вир овоздан қайта саиланди». Телеочерк. 20.00 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Қишлоқ меҳнаткашларига. 21.35 Музикали учрашувлар. 22.05 «Хоккейчилар». Бадиий фильм. 23.40 «Вақт» информацион программаси. 24.00 Рангли телевидение. Музикали программа. 00.45 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «КАЛЕВ». (Тарту) — «СПАРТАК» (Ленинград). Таллинда олиб кўрсатилади. 02.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Тошкент политехника институти коллективи институтнинг проректори Ў. А. Икромовга онаси

Карима ИКРАМОВАнинг

бевақт вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ва Ҳамза район халқ маорифи бўлимлари, ҳамда маориф ходимларининг район касаба союз ташкилоти 151-ўрта мактаб директори

Саодат Содиқовна

ХАЛИФАЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, институт кўз касалликлари кафедрасининг ассистенти У. Р. Тошмуҳамедова отаси

Раҳмонкул

ТОШМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилиги учун жазоланганлар

С. Очилов. 1939 йилда туғилган. Чкалов номли заводнинг 93-цех йиғувчиси. Маст ҳолда собиқ хотинининг уйида жанжал кўтариб, сўкинганлиги учун ўн суткага ҳукм қилинди.

Григорьев Н. 1939 йилда туғилган. Тўқимачилик комбинатининг слесари. Маст ҳолида акаси билан жанжаллашгани учун ўн суткага жазоланди.

Минулин А. 1944 йилда туғилган. Чкалов номли заводнинг 139-цех шофери. Маст ҳолда гражданка Пеньковани ҳақоратлагани ва урганлиги учун ўн суткага озодликдан маҳрум этилди.

Соколов П. 1927 йилда туғилган. «Главташкентстрой» бошқармасига қарашли 1-автобаза шофери. Маст ҳолда уйида жанжал кўтариб, сўкинганлиги учун ўн беш суткага қамалди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Сайдуллаев Б. 1946 йилда туғилган. Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғининг суратчиси.

Титов Ф. 1914 йилда туғилган. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги конструкторлик технология бюроси инженери.

МАСТЛИК—БЕБОШЛИК

✻ ҲОДИСА

Гражданин Я. Аҳмедов маст бўлишига қарамасдан, «Москвич» машинасининг рулига ўтиради. У машинани кўча қоидаларига риоя қилмасдан ҳайдаши натижасида, Сергели кўчасида икки йўловчини уриб кетди. Кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Лекин шофер жабрланганларга ёрдам бериш ўрнига, ўз изини йўқотиб номаълум томонга ғойиб бўлди. Орадан кўп ўтмай, давлат автоинспекциясининг ходимлари уни қўлга олдилар.

Шунингдек, гражданин Ф. Хаматхоновнинг қилмиши ҳам кишиларни нафратлантирди. У транспорт ҳайдашга ҳуқуқи бўлмаса ҳам маст ҳолида «Сантехэлектромонтаж» бошқармасига қарашли «Беларусь» тракторини ҳайдади. Бебош Сағбон кўчасида кўнгилсиз ҳодисанинг юз беришига сабабчи бўлди. У тракторни келаётган автобусга олиб бориб урди. Бир неча йўловчи жароҳатланди.

1 декабрь эрталаб соат 11 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг илмий совети (Куйбишев кўчаси, 20-уйда тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Шамамбетов: «Қорақалпоғистон АССРда социалистик қурилиш даврида қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш» (1928—1941 йиллар)» деган темада;

Ш. С. Зиямов: «Ўзбекистонда халқ хўжалигини тиклаш ва уни янада ривожлантириш йилларида колхоз ишлаб чиқаришни учун кадрлар тайёрлаш» (1946-1950 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академиянинг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

2 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича илмий совет кенгаши (Сулаймонова кўчаси, 33-уй, 5-қаватда фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Абдуров: «Совет Ўзбекистонида шарнат қолдиқларининг тугатилиб бориши» деган темада.

И. Д. Горпинюк: «Коммунистик қурилиш жараёнида ижтимоий ва шахсий манфаатнинг мослашуви» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уйда танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИГА (Ш. Руставели кўчаси, 18 уй, 10-хона)

цирк билетларини тарқатиш бўйича кассирлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА МАЛАКАЛИ МАШИНИСТКА КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15 уй. Телефон 33-27-22.

Тошкент оқшоми 4 бет. 21 НОЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари—33-27-3 саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3163. Р—16683.